

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 130.12(575.1)
316: 1 (575.1)

ИСРОИЛОВ БЕКТОШ ЭРКИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАЊАВИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНИНИНГ
ОБЪЕКТИВ ВА СУБЪЕКТИВ ОМИЛЛАРИ**

Ихтисослик: 09.00.11 – Ижтимоий фалсафа

*Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация*

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2010 йил

Иш Самарқанд давлат университети «Миллий ғоя, фалсафа ва фан методологияси» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори, профессор
Яхшиликов Жўрабой Яхшиликович

Расмий оппонентлар: _____

Етакчи ташкилот: _____

Диссертация ҳимояси 2010 йил _____ ойининг ____ куни соат ____да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва хуқуқ институти хузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, Фалсафа факультети 215-хона.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, Форобий кўчаси, 16-үй.

Автореферат 2010 йил “____” _____да тарқатилди.

Авторефератга ёзилган тақризларингизни тамғали муҳр билан тасдиқланган ҳолда Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш илмий котибига (Тошкент шаҳри, 100095, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, Фалсафа факультети 319- хона) юборишингизни сўраймиз.

**Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
фалсафа фанлари доктори**

Ш.О.Мадаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида маънавий интеграция жараёни, ҳозирги давр: миллий, минтақавий ва умумбашарий муаммолари ечимида муҳим омил бўлиб, уни фалсафий таҳлил этишнинг назарий ва амалий аҳамияти қуйидаги икки жиҳат билан белгиланади. **Биринчидан**, мазкур муаммолар ўз моҳиятига кўра, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, мағкуравий тараққиётнинг зиддиятли кечиши натижасида вужудга келадиган маънавий-ахлоқий инқизорни ва унинг глобаллашувини намоён қилиб, агар бу муаммолар тезкорлик билан ҳал қилинмаса, Ер юзидағи цивилизациянинг ҳалокатга маҳқумлиги барчага аниқ бўлиб қолмоқда. **Иккинчидан**, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов айтганидек: “ҳозирги вақтда маънавият масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораёттанини аксарият кўпчилигимиз ҳали ҳам чуқур тушуниб етганимиз йўқ”¹. Ваҳоланки, жаҳон жамоатчилиги барча глобал муаммоларнинг сабабларини ҳам, оқибатларини ҳам бартараф этишда жамият маънавиятини юксалтиришга, умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларни интеграциялаштиришга муқобил йўл йўқлигини эътироф этишмоқда. Зоро, инсоният мазкур муаммоларни, факат маънавиятни ривожлантириш орқали ҳал этилиши мумкинлигини англаб етмоқда.

XXI асрнинг реал воқелиги: кишилар, миллатлар, халқлар, давлатлар, умуман инсониятнинг маънавий ҳаёт ҳақидаги қарашлари, доктриналари, концепциялари, фикрлари ўртасидаги муносабатлар ғоят мураккаб, ҳатто, айрим ҳолларда, зиддиятлилигини намоён қилмоқда.

Ўз вақтида мазкур муаммоларни ҳал этиш бўйича турли хил концепциялар яратилган бўлиб, уларнинг аксарияти ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотган эмас, аксинча долзарблашиб бормоқда.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсан ҳолда, тадқиқот мавзуси долзарблигини қуйидаги жиҳатлар билан асослаш мумкин:

—**биринчидан**, “оммавий маданият”нинг глобаллашиб, инсоният маънавиятига таҳди迪 кучайиши, унинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилишга доир фундаментал тадқиқотлар ўтказиш ва назарий-методологик натижаларини амалиётга жорий этишни тақозо қилмоқда;

—**иккинчидан**, мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви ва жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги кўлами ҳамда самарадорлиги маънавий интеграция жараёнига боғлиқ бўлиб, унинг миллий қонуниятларини ўрганиш глобал маънавий маконга мослашиш имкониятини яратади;

—**учинчидан**, мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини қуриш халқаро маънавий интеграция жараёни билан зарурӣ

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳакиқатини акс эттириш // Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. 17-Жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2009. – 137 б.

шартланган бўлиб, унинг алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик қонуниятларини, тамойилларини ўрганиш методологик аҳамиятга эга;

—тўртинчидан, юртимизда маънавий интеграция жараёни халқимизнинг маънавий-рухий тикланиши ва мустаҳкамланиши учун субстанциявий асос бўлиб, унинг динамик ривожланиш қонуниятлари тадқиқоти стратегик вазифаларни белгилашга хизмат қиласди;

—бешинчидан, миллий ва умуминсоний маънавий қадриятлар уйғунлашуви натижасида янги типдаги комил инсон шаклланиши ва амалий фаолияти самарадорлиги, унинг илмий-назарий асослари ривожлантирилишига боғлиқдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

ХХ асрнинг 60-йилларидан – дунё бўйича умумбашарий муаммолар кескинлашуви ва уларни ҳал этиш ҳаётий заруриятлиги англаб етилган пайтдан бошлаб, маънавий интеграция жараёни дунёнинг файласуф, социолог, сиёсатшунос, иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқ этилиб, унинг фалсафий¹, сиёсий² йўналишлари таҳлили бўйича илмий мунозаралар ўтказилди ва илмий асарлар, мақолалар нашр қилинди.

Россияда нашр қилинадиган «Фалсафа масалалари» журнали редакцияси 2000 йил 29 февралда таниқли олим, академик Н.Н. Моисеевнинг «Инсоният ўзини сақлаб қоладими ёки йўқми?» (Быть или не быть... человечеству?) номли рисоласи бўйича мунозарали мухокама ўтказади. Китоб ҳозирги цивилизация инқизози ва ундан чиқишининг йўллари масаласи мухокамасига бағишлиланган бўлиб, мамлакатнинг таниқли ижтимоий фан олимлари, файласуфлари мухокамада иштирок этган ва бу борадаги ўз фикр, мулоҳаза ва таклифларини баён этган эдилар³. Н.Н.Моисеев мухокама қатнашчиларига: «Бутун планета, шу жумладан, бизнинг мамлакатимиз, номаълум ва мубҳам ҳалокат ёқасида турибди..., бундай ҳалокат қандайдир номаълум келажакда эмас, балки XXI асрнинг ўрталарида юз бериши мумкин»⁴, деб мурожаат қилиб, бу ҳалокатнинг олдини олишнинг йўли битта – ҳар бир киши ўзини Табиатнинг ажralmas қисми деб билиши ва дунё ҳалқларининг Планетамизни «ягона уй», деб қараладиган цивилизацияли

¹ Pawelzig G. Integration als Philosophische Kategorie. //Deutsche Zeitschriftfur Philosophie. 1966.; Pawelzig G. Zum Integrations und Differenzierungmechanismus dynamischer Systeme vom Typ der Wissenschaft. Wissensch. Zeitschr.d. Karl-Marx-Universitat.1968.; Pawelzig G. Integration, Desintegration, Differenzierung und Dedifferenzierung komplexer dynamischer Systeme vom Typ der Wissenschaft// Weltanschauung und Methode. Berlin, 1969.

² R.J. Harrison, Europe in Question: Theories of Regional International Integration, London: Allen and Unwin, 1974; E.B. Haas. The Obsolescence of Regional Integration Theory, Berkeley, CA: Institute of International Studies, 1975; The Integration Theorists and Study of International in C.W. Kegley and E. Wittkopf (eds), The Global Agenda: Issues and Perspectives. New York: Random House, 1984; Западно-европейская интеграция: политические аспекты. М. 1985.

³ Каранг: «Круглый стол» журнала «Вопросы философии», посвященный обсуждению книги Н.Н.Моисеева «Быть или не быть ... человечеству?». «Вопросы философии». 2000, №9, -с.3-29.

⁴ Ўша жойда, 5-бет.

парадигма асосида яшашига ўтиши ва маънавий–ахлоқий тамойилларни Инсоннинг қони, вужудига сингдирадиган маърифат зарур, деб ҳисоблайди¹.

Ўтган асрнинг 90-йилларида жаҳон миқёсида юзага келган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг интеграция жараёни янгича тамойиллар асосида тадқиқ қилиниб, қатор рисола, илмий мақолалар нашр қилинди².

Интеграция жараёнига тадқиқотчиларнинг умумий қизиқиши кучайиб, мазкур муаммонинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари таҳлилига доир эълон қилинган илмий мақолаларда³, унинг маънавий йўналиши фрагментар ва дискрет ёритилган бўлиб, маҳсус монографик тадқиқотлар ўтказилмаган.

Кейинги вақтларда тадқиқотчилар минтақавий маданий интеграция, шунингдек, умуман инсониятнинг ижтимоий-маданий борлиги шаклланишида диний, ахлоқий, эстетик, экологик ва бошқа маънавий қадриятларнинг ўрни масаласига эътиборларини қаратса бошладилар⁴.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация мавзуси Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети «Миллий ғоя, фалсафа ва фан методологияси» кафедрасининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг объектив ва субъектив омиллари» мавзусидаги умумий илмий тадқиқотлар дастури доирасига киради.

Тадқиқотнинг мақсади. Маънавий интеграция жараёнини ва унинг структуравий элементларини, тарихий босқичларини комплекс-системали функционал таҳлил қилиб, унинг жамият барқарор тараққиётидаги аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

—маънавий интеграция жараёниниң фалсафий-методологик асосларини, ҳаракатлантирувчи мотивлари ва механизmlарини таҳлил қилиш ва уларнинг ривожланиш босқичларини аниқлаш;

¹Қаранг: «Круглый стол» журнала «Вопросы философии», посвященный обсуждению книги Н.Н.Моисеева «Быть или не быть ... человечеству?». «Вопросы философии». 2000, №9, -с.5-6.

² Масалан: Dimitris N. Chrysochoo. Theorizing European Integration, SAGE publications, London, 2001; B. Rosamond, Theorie of European Integartion Basing Stoke. Macmillian, 2000; C.H. Church, European Integration Theory in 1990 s. European Dossier Series, no33, University of North London, 1996;The Idea of Europe. From Antuquity to the European Union. Edited by Anthony Pagden. Woodrow Wilson Center, 2002; Международная интеграция и международные организации. Этнос и политика. Хрестоматия. Москва, 2000; Перспективы дальнейшей интеграции. А. Карчава. «Азия и Африка». Ежемесячный научный и общественно-политический журнал. №1, 2003, -с.3-6; Л. Аносова. Экономическое сотрудничество как фактор региональной безопасности. «Азия и Африка». Ежемесячный научный и общественно-политический журнал. №1, 2003, -с.6-9; Я. Бурляй. Интеграционные процессы в Западной полушарии «Международная жизнь», №8, 2002, -с.78-81.

³ Шермуҳамедов С. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алокалар маданиятининг аҳамияти. Т., Маънавият, 1998; Хоназаров К. Развитие межнациональных отношений в независимом Узбекистане, «ЦПИУЛ», Ташкент-2001; Элтазаров Ж. Марказий Осиё Республикалари ўртасидаги интеграция ва дезинтеграция: Бугун ва келажакка бокиши. Turk Cumhuriyetleri. Turkistan ve Azerbaycan Arasturma Merkezi Yayini, 2002, Haarlem, Hollanda, p. 447.

⁴ Қаранг: Ш.С. Кушаков Проблема духовного в теологии и философии мусульманского Востока//Исламская культура и мировая цивилизация. Санкт-Петербург, 2001, -с.206-210.

–жамият тараққиёти мезони ва қонунияти сифатида маънавий интеграция жараёнининг тарихий зарурияти, мавжудлик ҳолати ва ривожланиш имкониятларини илмий асослаш;

–маънавий интеграциянинг объектив шарт-шароити, субъектив омиллари диалектик бирлигини, уларнинг миллий, минтақавий ва умумбашарий хусусиятларини кўрсатиб бериш;

–жамият ривожланишида маънавий интеграциянинг ўрни, роли ва вазифалари ҳақидаги муқобил қарашларни қиёсий таҳлил қилиб, уни ривожлантиришга доир методологик тавсиялар, амалий таклифлар бериш;

–мамлакатимизда кечеётган маънавий интеграция жараёнининг ўзига хос ривожланиш тенденцияларини, ички зиддиятлари сабабларини, уларни бартараф этишнинг воситаларини, йўлларини кўрсатишдан иборат.

Тадқиқот обьекти ва предмети. **Объекти** – маънавий интеграция жараёнининг умумий ва хусусий қонуниятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш; **предмети** – Ўзбекистонда маънавий интеграция жараёнини ташкиллаштириш ҳамда бошқаришнинг объектив асослари ва субъектив омилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг методлари - обьективлик, тизимлилик, анализ ва синтез, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш кабилардир.

Тадқиқотнинг илмий фарази: 1) ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва мағкуравий жараёнларнинг глобаллашуви маънавий интеграцияни янги сифат даражаларига олиб чиқади ва ижтимоий тараққиётнинг умуминсоний қонунияти сифатида намоён бўлади; 2) жамиятдаги маънавий интеграция даражаси ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва мағкуравий жараёнларни инсонпарварлаштириш мезони сифатида доимий устуворлашиш характеристига эга.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- маънавий интеграция тушунчасининг фалсафий моҳиятини, унинг назарий-методологик асосларини кўрсатиб бериш;

- Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида маънавий интеграция жараёнининг объектив қонуниятилигини илмий асослаш;

- маънавий интеграциялашув жараёнининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омилларини кўрсатиш;

- Ўзбекистонда маънавий интеграция жараёнининг ўзига хос тенденцияларини аниқлаш;

- ҳозирги глобаллашув даврида маънавий интеграциялашувга салбий таъсир кўрсатадиган омилларни кўрсатиш;

- Ўзбекистоннинг цивилизациявий тараққиёт йўлида маънавий интеграциялашувнинг роли ва аҳамиятини кўрсатишдан иборат.

Илмий янгилиги:

–маънавий интеграция умумий интеграция жараёнида нисбатан мустақил тизимни ташкил этувчи муҳим субстанционал элемент, йўналиш тарзида олиб қаралди;

—маънавий интеграция жараёнини ҳаракатлантирувчи мотивлари ва механизмларини ривожлантиришнинг фалсафий-методологик асослари очиб берилди;

—ижтимоий-сиёсий муносабатлар интеграцияси моҳиятига маънавий интеграция контекстида ёндошилиб, уларнинг мазмунига аниқликлар киритилди;

—маънавий интеграция жараёнининг кишилик жамияти ривожланиш даражалари билан корреляцион боғланиши ўзига хос қонуният сифатида амал қилиши кўрсатилди;

—маънавият феноменининг моҳияти умуминсоний олий қадриятлар парадигмаси бирлигига шахс ва жамият эҳтиёжи, манфаати, мақсадлари уйғунлиги билан боғлиқлиги аниқланди;

—маънавий интеграция жараёнининг шарт-шароитлари, объектив ва субъектив омиллари ва уларнинг ўзаро диалектик бирликда амал қилиш механизмлари кўрсатилди;

—жамиятимизда маънавий интеграция жараёнининг ўзига хос тенденциялари аниқланиб, уларнинг ривожланиш истиқбол контурлари белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертацияда илгари сурилган ва илмий асосланилган ғоя, фикр, қарашлар:

—давлатлар, халқлар, миллатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий, ғоявий-мағкуравий алоқаларда: ўзаро муроса, толерантлик, диний бағрикенглик муносабатларининг маънавий масалаларини илмий таҳлил қилишда;

—мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараённида маънавий интеграциянинг ташкилий жиҳатларига мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари амалий фаолиятларини методологик таъминлашда;

—халқимизни умумий мақсад асосида бирлаштирувчи куч бўлган маънавий рухини тиклаш ҳамда мустаҳкамлашнинг объектив ва субъектив омилларини ривожлантириш усусларини, воситаларини такомиллаштириш имкониятларини аниқлашда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қиласди.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертацияда келтирилган илмий хулосалар, амалий таклиф ва методологик тавсиялардан Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети бакалавр талабалари учун “Маънавият асослари”, “Миллий ғўй”, “Диншунослик”, “Юксак маънавият – енгилмас куч”, “Ноосфера, геосфера ва сиёсат”, “Сиёсат фалсафаси” каби фан ва маҳсус курсларидан маърузалар ўқишида ва амалий машғулотлар ўтказиш олиб боришда фойдаланилган. Шунингдек, тадқेқидоиёйа аниқланилган илмий-назарий асос бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, тадқеқидоиёйа аниқланилган илмий-назарий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси): Диссертация Самарқанд Давлат университети «Миллий ғоя, фалсафа ва фан методологияси» кафедрасида бажарилган ва кафедранинг йиғилиши (2009 йил 24 июль, Баённома №12) да, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва ЎзРФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва хуқуқ институти хузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги 09.00.11 – Ижтимоий фалсафа ихтисослигидан ташкил этилган илмий–назарий семинар (2010 йил 14 октябр, Баённома № 9) да муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари муаллифнинг 4 та журнал, 20 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференция тўпламларида эълон қилинган мақола ва тезисларида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, еттига параграфни ўз ичига олган учта боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” ва “Иловалар”дан иборат. Умумий ҳажми 150 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, назарий ва методологик асослари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, синовлардан ўтганлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг “**Маънавий муносабатлар интеграциялашиш жараёнининг назарий-методологик масалалари**” деб номланган биринчи бобида бир-бирига мантиқан боғланган «Маънавий муносабатларни интеграциялаширишнинг тарихий генезиси ва объектив зарурияти» (1.1), «Маънавий интеграция жараёнининг ҳаракатлантирувчи мотивлари ва механизmlари» (1.2), «Халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар глобаллашувида маънавий интеграциянинг роли» (1.3) мавзулари тадқиқ қилинган.

Интеграция жараёнининг фалсафий-назарий асосларини очиб бермасдан туриб, унинг барча типларини, хусусан, ижтимоий-маънавий тараққиётнинг ўзига хос қонуният эканлиги масаласини аниқлаш мумкин эмас. Аслида математика фанининг атамалари бўлган “интеграция” (лот. integratio – бирлашиш, integer – бутун) ва “дифференциация” (лот. de – ажralиш ва integer – бутун) тушунчалари ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ижтимоий-сиёсий муносабатларни ифодалашда ҳам қўлланила бошланади. Яъни, мазкур тушунчалар ижтимоий, сиёсий ва гуманитар фанларга, хусусан фалсафага математика, физика ва биологиядан кириб келган¹. Кейинги йилларда эса, мазкур атамалар иқтисодий, сиёсий ва илмий-

¹ Қаранг: Социологическая энциклопедия. -М., 1998, -с.224.

техник соҳаларда ҳам кенг қўлланила бошланди. Лекин, илмий адабиётларда ушбу атамалар аксарият ҳолатларда, бири иккинчисидан ажратилган ҳолда ишлатилмоқда ҳамда уларга таъриф ва тавсиф берилмоқда.

“Интеграция” ва “дифференциация” тушунчалари нисбий бўлиб, бирининг мазмуни иккинчиси орқали англанилади. Тадқиқотда мазкур тушунчалар борлиқдаги нарса-ҳодисалар ва жараёнларнинг ўзаро бирликдаги тизимлилик тамойилини ифодаловчи категориялар сифатида олиб таҳлил этилди.

Юқорида келтирилган таъриф ва тавсифларда интеграция жараёни, фақат ижтимоий-иктисодий ҳодисаларга хос феномен сифатида олиб қаралади. Ваҳоланки, жузъий маънода, интеграция фақат жамият ҳаётига хос бўйлансдан, балки борлиқдаги барча нарса-ҳодисалар муносабатларига ҳам тааллукли жараён ҳисобланади. Чунки, интеграция - табиий ва ижтимоий борлиқнинг онгли равишда ташкиллаштириладиган, бошқариладиган тизимли мавжудлигини, уларнинг структуравий элементлари ўзаро муносабатини, алоқадорлигини ифодаловчи тушунчадир. Зоро, ҳар қандай тизим қисмлари ва элементларининг ўзаро таъсири, алоқадорликлари муайян сифатга эга бўлиб, нарса ва ҳодисалар интеграциялашган ҳолда яхлит бутунликни ташкил этади.

Бизнинг назаримизда, бугунги кунда маънавий интеграциянинг янги босқичида ҳалқаро миллий муносабатларни ривожлантириш механизмларидағи ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маънавий интеграциянинг умуминсоний тамойилларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун турли давлатларнинг ривожланиш даражасидан, миллий стереотиплари хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда:

- миллий ва умуминсоний маънавий ривожланишни ташкил этиш, бошқариш ва мониторинг соҳасида ўзаро интеграцион алоқадорликни таъминлаш;

- маънавий интеграция жараёни ҳақида объектив ахборотлар алмашувини, статистик, социологик фактларни умумлаштириш марказларини тузиш;

- маънавий таҳдидлар кучайиб бораётганлигини чуқур англаған ҳолда, келгуси авлодлар ва умуминсоният цивилизацияси олдидағи масъулиятни ҳис этиш;

- ҳалқаро маънавий муносабатларда умуминсоний ва миллий манфаатларни уйғунлаштириш мезонларини, уларнинг ривожланиш тамойилларини аниқлаш каби вазифалар кун тартибига қўйилмоқда.

Мустақиллик шароитида турли мамлакатлар маънавий интеграцияси инсоният борлигининг энг муҳим объектив шарт-шароити, маданияти универсаллигидир, яъни «маданий тажриба ва фаолиятнинг умуминсоний презентациясидир»¹. Дунё мамлакатларида миллий маънавиятни ривожлантириш, интеграция контекстида олиб қаралганда, ижтимоий

¹ Каранг: Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. М., 2003. С. 404.

ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланиб, унинг ҳозирги жараёнлари ўзига хос қонуниятларини намоён қўлмоқда.

Шундай қилиб, турли давлатлар маънавий интеграциялашуви жараёнининг қуидаги объектив-субъектив асосларини кўрсатиш мумкин:

1) маънавий муносабатларни интеграциялаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омилларнинг тарихан шаклланган умумийлиги;

2) турли миллатлар ва давлатларнинг маънавий хавфсизлик эҳтиёжлари, манфаатлари, мотиви ва механизми умумийлигидан интеграция мақсадлари бирлиги;

3) маънавий интеграция жамиятда, демократик жараёнларнинг намоён бўлиши ва ифодаланиши сифатида, объектив ижтимоий ҳодиса бўлиб, умуминсоний тараққиётга мос келиши;

4) мамлакатлардаги сиёсий вазиятнинг хусусиятлари маънавий интеграция жараёнига таъсир кўрсатишини чуқур англаш асосида, сиёсий барқарорликни таъминлаши билан характерланади ҳамда:

биринчидан, халқаро доирада маънавий интеграциянинг асосий тамойиллари шаклланиши ва уларни амалга ошириш усулларини, воситаларини такомиллаштириш, маънавий таҳдиднинг глобаллашуви олдини олиш заруратидан келиб чиқади; **иккинчидан**, турли давлатларнинг бозор иқтисодиётiga ўтиш давридаги ўзига хос, индивидуал миллий ривожланиш моделлари “маънавий капиталга” муносабатида ва халқаро маънавий маконга интеграциялашув тенденцияларида намоён бўлмоқда; **учинчидан**, маънавий инқироз ва таҳдидлар глобаллашуви турли давлатларнинг: этноэгоцентризм, утилитаризм, меркантилизм кайфиятларидан воз кечиб, ўзаро интеграциялашувини тақозо қиласди; **тўртинчидан**, халқаро маънавий интеграциянинг стратегияси ва тактикасини белгилашга мутасадди сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар структураси шаклланиб, уларнинг ҳуқукий нормалари ишлаб чиқилмоқда.

Дунё давлатлари маънавий интеграциясининг иқтисодий механизмлари, ташкилий-хуқуқий институтционал асослари шаклланмоқда. Бироқ, ҳозирча маънавий интеграцияга хизмат қилувчи иқтисодий механизмларнинг ташкилий тамойиллари ва хуқуқий нормалари тўлиқ ишлаб чиқилмаган бўлса ҳам бугун дунёда «жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш жараёни рўй бермоқда»¹.

Халқаро маънавий интеграция иқтисодий механизмларининг хар бир элементи мустақил илмий таҳлил обьекти бўлиши мумкин. Айни вақтда, иқтисодий механизмлар таҳлилининг методологик тамойили, бизнинг

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд.- Тошкент:Ўзбекистон, 2000. – Б. 332-333.

фикрилизча, ҳар бир алоҳида олинган элементнинг ўрни ва аҳамиятини белгиловчи мезонлар ўзаро боғланган бўлиши керак. Бошқача айтганда, муаммога комплекс-системали, структуравий-функционал ёндошув, унинг концептуаллик даражасини белгилайди. Лекин, аксарият ўртага қўйилган таклифлар, тавсиялар мантиқий, назарий асосланган бўлса ҳам, амалга оширишда қийинчиликларга учрамоқда. Бу қийинчиликларнинг асосий сабабларидан бири халқаро маънавий интеграция сиёсатининг иқтисодий механизмларидаги ожизликлар билан изохланади.

XXI аср арафасида вужудга келган қўп қутблилик ва мафкуравий плюрализм дунёнинг ўзаро диалектик алоқа ва зиддиятлар бирлиги асосида ҳаракат қиласиган улкан система сифатида фаолият кўрсатишини тақозо қилмоқда. Бу жараённинг ривожланиш қонунияти, баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра, “бутун жаҳонда иқтисодий ва маданий маконнинг пайдо бўлишига ҳамда дунё миқёсидаги ягона инсоний муштаракликнинг вужудга келиши..., умумжахон ягона ахборот алмашув маконининг барпо этилиши кишилик цивилизациясининг янги шакли юзага келишига олиб боради”¹.

Бошқа бир муаллиф “Европада маданий интеграция ва дезинтеграция”, деган асарида «маданий интеграция» ҳодисасига турли элатлар, миллатлар ва халқлар маданиятларининг ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиши ҳамда улардаги умумий томонларнинг юзага келиш жараёни сифатида қараб: «Маданиятлар интеграцияси маданиятларнинг ўзаро қўшилиб кетишини англатмайди. Маданий интеграция уларнинг ўзаро таъсири бўлиб, асосий мақсади ўзаро бир-бирини бойитиш ва ривожлантиришдир»², деган хulosага келади.

Маънавий муносабатлар интеграциялашиш жараённининг назарий-методологик масалалари таҳлилида, унинг тарихий асослари, зарурияти, ҳаракатлантирувчи мотивлари, механизмлари ҳамда глобаллашув хусусиятларини аниқлаш мазкур тадқиқотнинг асосий масалалари сифатида белгиланди. Шунга асосан бобда таҳлил қилинган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан қуйидаги хulosалар баён этилган:

Биринчидан, маънавий интеграция жараённинг ҳозирги босқичи тарихий ривожланишининг мантиқий давоми ҳисобланиб, таъсир доираси кенгайиши ва глобал ҳарактер касб этиши объектив заруриятдир. Зоро, маънавий интеграция турли миллатлар ва мамлакатларнинг ижтимоий маконда, тарихий замонда мавжудлиги: сиёсий тизими, иқтисодий ривожланиш даражаси, демографик, этнографик структураси, конфессионал хусусиятларидан қатъий назар, уларнинг стратегик ривожланиш мўлжалларини белгилаб, бу соҳада ҳамкорлик имкониятларини реаллаштироқда.

Иккинчидан, халқаро маънавий муносабатларнинг интеграциялашув

¹Юлдашева Ф. Методологические проблемы процесса глобализации. //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2008. № 2. -с.75.

² Boryana Chavdarova Angelova. Cultural Integration and Fragmentation in Europe. Printed in Nordicom Review, vol.22:1, June 2001. http://www.lboro.ac.uk/research/changing_.media/index.htm.

даражалари ва қўлами объектив шарт-шароитларга, субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, ҳар қандай жамият ривожланишининг муҳим мезони бўлган ҳамда бошқа соҳалардаги интеграция жараёнларининг хусусиятларини белгилаб беради. Унинг ахборотлашган постиндустриал жамиятда интенсивлик даражаси фан, техника, технологи инфраструктураси ва интеллектуал салоҳият имкониятларини уйғунлаштириш натижаси ҳисобланади.

Учинчидан, миллатлараро маънавий интеграциянинг трансмиллий характер касб этиши тарихий зарурият бўлиб, ҳалқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва мафкуравий муносабат эҳтиёжларини намоён қиласди. Улар эса, ўз навбатида, маънавий интеграция жараёнининг ҳаракатлантирувчи механизми ва мотиви ҳисобланади. Ҳалқаро маънавий ҳамкорлик институтлари тизимининг такомиллашуви ва интеграциялашуви хавфсизликни таъминлашнинг ҳаётий эҳтиёжини қондириш имкониятини реаллаштирмоқда.

Тўртинчидан, жаҳон ҳамжамиятининг маънавий интеграциялашуви натижаси: ҳалқаро маънавий алоқаларнинг ташкилий-хуқуқий асосларига, техник-технологик имкониятларига, миллатлар ва давлатларнинг маънавий интеграция масъулиятини (айниқса, мажбуриятини) ҳис қилишларига, маънавий муносабатлардаги толерантлик ва ҳалқаро ҳамкорликни демократиялаштириш, инсонпарварлаштиришга қўшаётган амалий ҳаракатларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бешинчидан, жаҳон ҳамжамиятида маънавий интеграциянинг эҳтиёжи ва зарурияти эътироф қилиниб, ҳалқаро сиёсатнинг устувор йўналишга айланди. Ҳозирги даврда ижтимоий-сиёсий муносабатлар коммуникацияси, инфраструктураси ва технологияси ривожланиши миллатлараро маънавий интеграция жарёни интенсивлашувига шарт-шароит яратиб берди ва инсон омилини фаоллаштириш барча ҳалқлар ва давлатлар манфаатларига мос келади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Бозор иқтисодиётининг маънавий интеграция жараёнини детерминлаштирувчи сабаблари»** деб аталган. Унда «Маънавий қадриятлар интеграциясининг ташкилий асослари ва институционал тизими» (2.1), «Ўзбекистонда маънавий интеграция жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва тенденциялари» (2.2) тадқиқ этилган.

Диссертант фикрича, маънавий интеграция жараёни ривожланишининг ҳозирги босқичида давлатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда регионал ва глобал миқёслардаги ҳамкорлик муҳим рол ўйнайди. Шу нуқтаи-назардан, муайян худудда маънавий хавфсизликни таъминлашнинг потенциал имкониятлари концентрацияси глобал таҳдидлар олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, жойларда маънавий хавфсизликнинг юқори тараққий этган инфраструктурасини, техник-технологик коммуникациясини, интеллектуал базасини яратиш, интеграцияда teng хуқуқли, ўзаро фойдали ҳамкорликнинг самарали

шаклларини ишлаб чиқиши, глобаллашувнинг прогрессив тамойилларини қабул қилиши ва уни маҳаллий шароитларга мос ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Халқаро маънавий интеграция жараёнларининг ривожланишида: **биринчидан**, ҳар қандай давлатнинг маънавий интеграцион жараёнлардаги иштироки тарихий шаклланган анъаналарга асосланишини эътиборга олиб, унинг тажрибаларидан ижодий фойдаланиш; **иккинчидан**, халқаро маънавий интеграция жараёнида миллий тараққиётнинг хусусиятлари ва шарт-шароитларни ҳисобга олиб, тажрибадан ўтган усуллардан, воситалардан фойдаланиш; **учинчидан**, халқаро маънавий глобаллашувнинг заруриятига фақат бугунги кун эҳтиёжлари нуқтаи-назаридан эмас, балки келгусидаги кўзланган мақсадлар, вазифалар доирасида ёндашиш зарур.

Ҳозирги даврда инсониятни барқарор ҳолатда сақлаш учун, унинг маънавиятини ташкил этадиган индивидуал миллий анъаналари ўзига хослигини, уларнинг бошқа миллатлар маънавий бойликларини ўзлаштиришга қизиқишларини кучайтириш ва унга руҳий жиҳатдан кўнишишга тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки турли халқлар маънавияти ривожланишидаги тафовутлар (яъни, ўзига хослиги) жаҳон маънавий манзарасига интеграциялашувнинг хилма хиллигини таъминлайди, бинобарин, инсониятнинг яхлит маънавий муносабатларидаги барқарорлик шу тизим элементлари орасидаги боғланишларга боғлиқ бўлади.

Халқаро маънавий интеграция жараёнида турли давлатларнинг миллий манфаатлари умуминсоният манфаатларига мос келса, бу жараён эркин ва объектив ҳисобланади.

Маънавий ҳамкорликнинг тақозоси натижасида келажакда бутун жаҳон давлатлари интеграция жараёни кучайишидан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатдор бўлиши шубҳасиздир. Бу эса, ўз навбатида: 1) дунё давлатларида халқаро маънавий ҳамкорлик программасининг ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилишига; 2) интеграция жараёнида марказга интилувчи омилларнинг кучайишига; 3) турли давлатларнинг ҳар томонлама иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги жараёнида уларнинг “лидерлари” ҳамда фаол ҳудудларининг кенгайишига олиб келади.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечеётган интеграция, хусусан, маънавий интеграция жараёни тенденциялари ва истиқболларини, унинг объектив шарт-шароитлари ҳамда субъектив омилларини диалектик бирлиқда таҳлил қилиш орқали атрофлича, тўлароқ билиб олиш мумкин. Диссертацияда жамият маънавий-маданий тараққиёти масалаларини таҳлил қилишда объективлик ва субъективлик диалектикаси тамойилига таянган ҳолда ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий интеграциянинг шароитлари ва омиллари изоҳланган.

Маънавий интеграция умуминсоний олий қадриятларни ўзида мужассамлаштирувчи ғоя, қарашларнинг ривожланиш жараёнидир. Шунга кўра интеграциянинг моҳияти барча давлатлар барпо этаётган демократик

сиёсий тизим, шаклланаётган фуқаролик жамиятининг маънавиятида, миллий хусусиятларига мос тарзда намоён бўлади. Яъни, «интеграцион парадигмаларнинг хилма-хиллиги дунёдаги мавқеи, потенциали ва ривожланиш даражасига қарамасдан, қарийиб барча давлатларга бу жараёнларда ўз ўрнини топишга имкон бермоқда»¹. Бошқа ривожланаётган давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам ана шу интеграцион жараёнлар таъсирида бўлиб, унга ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланиш имконияти сифатида қарамоқда.

Ўзбекистон ҳудуди ўз аҳолисининг полигностник, поликонфессионал хусусиятлари билан қадимги даврларданоқ бошқа ҳудудлардан ажралиб турган. Унинг йирик савдо йўллари чорраҳаларида жойлашганлиги сабабли, турли ҳалқлар ва давлатларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Шу сабабли Ўзбекистон аҳолиси учун миллий маънавиятлар интеграцияси табииятарихий ҳолат сифатида қабул қилинган. Турли даврларда Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби ўзгариши жараёнини фалсафа фанлари доктори, профессор Қ.Хоназаров тўрт босқичга ажратиб кўрсатади². Албатта, бу босқичларни аниқлашда, уларнинг маънавий ривожланиш хусусиятлари асосий мезонлардан бири бўлган.

Ислом динининг шарқона маданият билан интеграциялашган гуманистик мазмуни, унинг маънавий моҳиятини намоён қилади. Зеро, бу дин нафақат кишиларнинг кундалик маънавий-ахлоқий турмуш тарзи, балки шахс ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар, юрт раҳбарларининг маънавий қиёфаси, давлат бошқарув сиёсатдаги адолат мезони, виждон, сўз ва фикр эркинлиги каби мураккаб ижтимоий масалалар хусусида ҳам бениҳоя катта ҳаётий тажриба ва сабоқлар бериб, дунё ҳалқлари учун намуна мактаби бўлиб келган.

Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2001 йил 9 ноябрида қабул қилган «Цивилизациялар ўртасидаги диалог» масаласи бўйича қабул қилган резолюцияси асосида жаҳон маънавий интеграциясига қўшилиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда³. 1993 йил 26 октябрда Ўзбекистон БМТ нинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти ЮНЕСКО га аъзо мамлакатлар сафига қўшилди. ЮНЕСКО ўз фаолияти давомида бутун инсоният цивилизацияларининг прогрессив қадриятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириб, «жаҳон маданиятини» келажак авлодларга етказишга ҳаракат қилмоқда. Миллатлараро ва маданиятлараро интеграция, нафақат сиёсий, ҳарбий келишмовчиликлар, тўқнашувларни тугатиш, балки ўзаро сабр-тоқат, бағрикенгликни, маънавий

¹ Бурляй Я. Проблемы внешней политики, дипломатии, национальной безопасности. Международная жизнь. №8. 2002. -с. 78.

² Хоназаров К. Развитие межнациональных отношений в независимом Узбекистане, «ЦПИУЛ», Ташкент-2001. -с. 29; Хоназаров К. Миллат назариясига танқидий назар. “Миллий тикланиш”, 1998 йил, 16 сон.

³ Каранг: Глобальная повестка дня диалога между цивилизациями. Из резолюции 56/6 Генеральной Ассамблеи ООН, принятой 9 ноября 2001 года.// «Азия и Африка» ежемячный научный и общественно-политический журнал. Москва, Издательство «Наука» РАН, №7, 2002. – с.3.

анъаналар ва динларнинг турли-туманлигига хурмат, инсон ҳуқуқларига амал қилиш тарзида амалга оширилмоқда.

Иккинчи бобда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши даврида маънавий интеграция жараёнини детерминлаштирувчи ташкилий асослари ва институционал тизимининг миллий хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини ўрганиш асосида қуйидаги назарий-методологик характердаги хulosалар чиқарилди:

биринчидан, инсоният тарихий тараққиётининг тажрибалари ҳар қандай давлатда барқарор ривожланиш, унинг фан, техника, технология, маданият, санъат, адабиёт ва бошқа маънавият соҳаларида интеграция жараёнини интенсивлаштиришга боғлиқлигини қайта-қайта исботлаб келмоқда;

иккинчидан, ҳар бир давлатда, миңтақада миллий тараққиётнинг маънавий асосларини, ҳалқаро маънавий муносабатлар интеграциялашувининг институционал тизими шаклланиши ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий меъёрларни, ахлоқий нормаларнинг вужудга келиши ҳозирги давр қонуниятидир;

учинчидан, маънавий муносабатлар интеграция даражаси миңтақа ва жаҳондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқ бўлиб, уни барқарорлаштириш учун сиёсий мухит, руҳий майдон яратиш ҳар қандай давлат сиёсатининг асосини ташкил этиши лозим;

тўртинчидан, мавжуд имкониятлар ва воситалар билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини кескинлашиб кетаётган маънавий-этикологик инқирозларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф қилишга қаратиш, унинг назарий-методологик илмий асосларини ишлаб чиқиш зарур;

бешинчидан, ҳалқаро маънавий интеграция жараёнининг тарихий зарурияти алоҳидалиқ, маҳсуслик ва умумийлик тамойилларини истисно қилмайди, аксинча миллий даражада объектив тараққиётнинг тақозоси сифатида уларни конкретлаштиради;

олтинчидан, миллий ва ҳалқаро маънавий интеграциянинг муваффақияти, аввало мамлакатда яшаётган турли миллат ва элатларнинг миллий ўзлигини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш соҳасида давлатнинг бош ислоҳотчилик сиёсати самарадорлигига боғлиқ.

Диссертациянинг учинчи боби «**Глобаллашув шароитида маънавий интеграция жараёнини бошқариш муаммолари**» деб аталади. Унда «Маънавий интеграция ва глобаллашув жараёнларини гуманизациялаштириш масалалари» (3.1), «Ўзбекистоннинг цивилизацион тараққиёти ва маънавий интеграция истиқболлари» (3.2) масалалари фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилинади. Глобаллашув жараёни инсоният тарихий тараққиётининг қонуний натижаси бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ва йўналишларини қамраб олиши билан характерланади.

Маънавий муносабатлар глобаллашувининг моҳияти, мураккаб структурали система сифатида, турли мамлакатлар, ҳалқлар ижтимоий ҳаёти

соҳаларининг ўзаро алоқалари, таъсирлари ва боғлиқликлари ривожланиши билан белгиланади. Шу нүктаи назардан маънавий интеграцияни ўз ичига олган глобаллашув – динамик-диалектик жараён ҳисобланади¹. Булардан ташқари, маънавий муносабатлар глобаллашувини жараёни инсоният келажагини сақлаб қолиш учун жаҳон хамжамияти цивилизация ресурсларини сафарбар этишини, шу жумладан, янги пайдо бўлган мустақил давлатларнинг бу жараёнга фаол интеграциялашувини талаб қиласиди ва мавжуд оламшумул муаммоларнинг фақат биргаликда ҳал қилиниши мумкинлигини кўрсатади. Президентимиз глобаллашув феномени ҳақида алоҳида тўхталиб, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳар томонлама чуқур ёритиб, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интегратив алоқаларнинг кучайиб бориши жараёни глобаллашувнинг ижобий хусусияти туфайли содир бўлаётганини таъкидлайди². Шундай экан, ҳозирги жадаллашиб бораётган глобаллашув даврида ҳар бир давлат ва халқнинг бу жараёнида фаол қатнашиши уларнинг инсоният цивилизацияси тараққиётига ўз ҳиссасини кўшаётгандигини билдиради.

Интеграциялашган умуминсоний маънавият ҳақидаги муқобил ғоялар, назарий қарашлар тизими, таклиф этилаётган лойиҳалар глобаллашув жараёнига муайян манфаатлар асосида ёндашувларнинг конкрет кўринишлари бўлиб, дунёкараш характеристига кўра, бундай фикр ва ғоялар ҳозиргача: «цивилизациялашган гуманизм», «интеграциялашган маънавият» ҳақидаги баҳс-мунозара даражасида қолиб келмоқда. Ваҳоланки, инсоният нафақат ўзининг ҳозирги мавжудлик ҳолати барқарорлигини сақлаш, балки келажак авлодлар тақдири учун ҳам масъул эканлигини тобора яққолроқ англай бошлайди. Зеро, ҳозирги давр воқелиги ва тафаккур тарзи глобал инқирозни бартараф этишнинг амалий ечими маънавий интеграциянинг конструктив-рационал ҳолатини таъминлашга боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Дунё ижтимоий борлигининг яхлитлиги, унинг субъектлари тақдири «бошқаларнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ, тобе бўлиб, уларни йўқ қилиш имконияти реал мавжуд шароитда гуманитар қарорлар қабул қилиш, янги нормалар ишлаб чиқиш зарур. Инсон феъл-атворининг умумий қоида ва тамойиллари конкрет тарихий шарт-шароитларда шаклланган ва ривожланган. Аммо тобора “торайиб бораётган” дунёда ... маданиятлар ва мафкураларнинг кенг спектрига мос келадиган умуминсоний қадриятларни топиш талаб қилинади»³. Бу эса, глобаллашган дунёда оғир кечмоқда. Чунки ҳозирги даврда глобал маънавий инқироз: фан, техника, технология ривожланиши, “ахборот босими”, ижтимоий-сиёсий муносабатлар коммуникацияси, инфраструктураси кучайган шароитда маънавиятни

¹ Қаранг: Юлдашева Ф. Методологические проблемы исследования процесса глобализации. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2008. № 2. -с.72.

² Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 111-112.

³ Сохранит ли человечество человечность? Доклад Независимой комиссии по международным гуманитарным вопросам. М., Международные отношения, 1989. -с.21.

ривожлантириш ва интеграциялаштириш муаммоларини ғоят долзарб тарзда кун тартибиға қўймоқда.

Халқаро маънавий интеграция жараёнларида глобаллашувнинг таъсир имкониятлари қуидагиларга бевосита боғлиқдир. Яъни:

биринчидан, ҳар қандай миллий давлатнинг халқаро маънавий интеграциядаги мавқеи ва мақоми, унинг жаҳон маънавий ҳамкорлигига мойиллигига, адаптатция имкониятига ҳамда усуллари, воситалари ривожланишига;

иккинчидан, миллий тараққиётнинг тарихий шаклланган анъаналарига, маънавий меросга ворислигига, халқаро маънавий муносабатлар тажрибаларига, интеграциялаштирувчи объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар етуклигига;

учинчидан, халқаро маънавий муносабатлар глобаллашувининг объектив заруриятини ва эҳтиёжини англаш, унинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва моделлаштиришга истиқболдаги мақсадлар ҳамда вазифалар доирасида қарашига;

тўртинчидан, умуминсоний маънавий муносабатлар интеграцияси тамойиллари ва тенденциясига миллий хусусиятларни мослаштиришнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий шарт-шароитларини яратишда давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини оширишга боғлиқ бўлади. Чунки икки кутбли дунёning барҳам топиб, *плюралистик сиёсий маконнинг* таркиб топиши билан глобаллашув жараёни янги мазмун ва хусусият касб этмоқда.

Ҳозирги даврда умуминсоният борлигининг яхлит манзараси, унинг глобаллашган ижтимоий-сиёсий муносабатларида, маънавияти интеграцияси жараёнида намоён бўлмоқда. Шунга кўра: **биринчидан**, жаҳон жамоатчилиги глобаллашув жараёнининг маънавий ҳаётга таъсирининг ижобий ва салбий томонларини баҳолаш мезонларини аниқ тасаввур қилмоқда; **иккинчидан**, дунёда яшовчи барча халқлар маънавиятга таҳдидларнинг глобаллашуви оқибатларини англаб, биргалашиб харакат қилиш масъулиятни ҳис эта бошладилар; **учинчидан**, бундай шароитда халқаро маънавий муносабатларни интеграциялаштириш объектив зарурият бўлиб, глобаллашувнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш, цивилизация ютуқларини сақлаб қолишнинг асосий имконияти сифатида қаралмоқда; **тўртинчидан**, маънавий таҳдидлар глобаллашувининг олдини олиш, оқибатларини бартараф қилишга йўналтирилган мафкуравий усул-воситалари, технологик асослари, ахборот базаси, давлатларнинг маънавий-сиёсий фаолияти мониторингини амалга ошириш халқаро институционал тизими шаклланиши тасодифий эмас; **бешинчидан**, глобал маънавий инқироз муаммолари ечимиға комплекс-системали ёндошиб, халқаро келишув асосида, сиёсий муносабатларини мувофиқлаштиришнинг қонуний-ҳуқуқий маконини яратиш кун тартибиға қўйилмоқда.

ХУЛОСА

Халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг ахборот базаси, техник-технологик асослари, коммуникацияси, инфраструктураси, институционал тизими такомиллашуви билан маънавий интеграция жараёнининг таъсир доираси кенгаймоқда. Турли мамлакатлар маънавий хавфсизлик манфаатларининг уйғунлашуви, уларнинг ҳудудий жойлашиши, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий мавқеи, демографик-этнографик структураси, конфессионал хусусиятларидан қатъий назар маънавий муносабатлар интеграцияси орбитасига тортилмоқда. Зеро, бир томондан, жаҳонда этикологик инқирозларнинг чуқурлашуви, маънавий таҳдидларнинг глобаллашуви халқаро маънавий интеграцияни тарихий заруриятга айлантирди. Иккинчи томондан, жаҳонда маънавий интеграциянинг умуминсоний хуқуқий асослари, сиёсий механизмлари, ахлоқий нормалари, институционал тизими шаклланиши ва мустаҳкамланиши натижасида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан бевосита боғлиқ бошқа ижобий ўзгаришлар содир бўймоқда. Бу ўзгаришларнинг назарий, методологик, праксиологик жиҳатларини комплекс-системали таҳлил қилиш асосида тезислар шаклида қуйидаги илмий хулосалар, амалий таклиф-тавсиялар билдирилмоқда.

Биринчидан, маънавий интеграция табиий-тарихий жараён бўлиб, унинг ҳозирги босқичи инсоният цивилизацияси ривожланишининг қонуний давоми ҳисобланади ва диалектик характерга эга. Зеро, маънавий интегратив муносабатларнинг глобаллашуви ички зиддиятли жараён сифатида турли ижтимоий бирликларнинг, сиёсий тизимларнинг стратегик ривожланиш истиқболларини белгилаб, бу соҳада халқаро ҳамкорлик имкониятларини реаллаштирумоядиди.

Иккинчидан, ахборотлашган постиндустриал жамиятда миллатлараро маънавий интеграциянинг трансмиллий глобал характери ва интенсивлик даражаси: объектив шарт-шароитлар ҳамда субъектив омиллар, ҳаракатлантирувчи эҳтиёжлар ва манфаатлар, миллий тараққиётнинг истиқболдаги мақсадлари ва вазифаларини уйғунлаштириш натижаси ҳисобланади.

Учинчидан, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти маънавий интеграциясидаги ўрни ва мавқеи: халқаро маънавий алоқалар тарихий тажрибаларига, мавжуд ташкилий-хуқуқий институционал асосларига, моддий-техник имкониятларига, келажак авлодлар олдидағи масъулиягини англаши билан характерланади.

Тўртингчидан, маънавий муносабатлар интеграцияси жараёнини оқилона ташкиллаштириш ва илмий бошқариш самарадорлиги, унинг мониторингини амалга оширадиган: халқаро сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикри каби тизимлар фаолиятларининг мувофиқлашувига боғлиқ.

Бешинчидан, Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг тарихий шаклланган этно-демографик, ижтимоий структураси, динларга эътиқоди билан боғлиқ конфессионал хусусияти турли-туман бўлишига қарамасдан, уларнинг маънавий интеграция жараёнида фаол иштироки билан характерланади.

Олтинчидан, мамлакатимизда яшаётган турли миллатлар, элатларнинг ўзлигини сақлаб қолиш, виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг маънавий-маданий меросларига ворислик муносабатларини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар барқарор маънавий интеграция муҳитини яратмоқда.

Еттинчидан, ҳар қандай давлатда фан, техника, технология, маданият, архитектура, санъат, адабиёт, интеллектуал салоҳият ва бошқа маънавият соҳаларининг динамик ривожланиши, уларнинг функционал интеграциялашиш даражаларига, ўзаро тақозолангандигига боғлиқлигини тарихий тараққиётининг тажрибалари исботлаб бермоқда.

Саккизинчидан, жаҳондаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазият минтақа ва миллий маънавий муносабатлар интеграциясига бевосита таъсир кўрсатишини эътиборга олиб, уни барқарорлаштириш учун халқаро сиёсий муҳит, иқтисодий асос, руҳий макон яратишга мутасадди ташкилотлар фаолиятларини мувофиқлаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тўққизинчидан, “ўзбек модели” асосида бозор иқтисодиётига ўтиш, демократик ҳукуқий давлат, фуқаролик жамияти асосларини қуриш жараёни давлатнинг маънавий соҳаларни ривожлантиришдан иборат ислоҳотларида стратегик вазифаларни амалга ошириш, унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини белгилаб бермоқда.

Ўнинчидан, ўзбек халқига хос маънавий ҳаётнинг жаҳон ҳамжамияти интеграциясига мойил очиқ тизими бу жараёнга сиёсий майдон, қонуний-ҳукуқий макон яратиб, минтақа ҳамда умуминсоният миқёсида маънавий интеграцияга доир фаолиятларини бирлаштириш истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқоридаги билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида, қўйидаги таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- маънавий интеграциянинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий, мағкуравий, ҳукуқий асосларини яратиш давлатнинг устувор сиёсати даражасига кўтариш.
- И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавий интеграция жараёнига тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф қилиш ҳақидаги илмий ишлар доирасини кенгайтириши.
- ўзбек халқи маънавий интеграцияни кучайтиришга йўналтирилган халқаро маънавий-маърифий алоқаларни кучайтириш ва уларнинг қонуний-ҳукуқий базасини мустаҳкамлаш.
- маънавий интеграцияга мутасадди ижтимоий институтларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш.
- ҳозирги даврда «ахборот босими» ва агрессияси кучайётган шароитда

маънавий муносабатларни интеграциялаштирувчи миллий-маънавий меросни ривожлантиришга доир амалий тадбирларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш механизмларини самарадорлигини оширишнинг имкониятларини қидириб топиш.

- миллатларо ва конфессияларо маънавий интеграцияга мутасадди ташкилотларнинг халқаро алоқаларини янада кучайтириш Ўзбекистонда маънавий интеграция жараёнининг барқарорлигини таъминлайди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Истроилов Б.Э. Миллий мафкура – цивилизациявий жамиятга йўналтирувчи омил // Ҳозирги давр цивилизацияси ва ижтимоий интеграция муаммолари: Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДУ, 2006. 1-қисм. –Б.138-140.
2. Истроилов Б.Э. Ўзбекистон тарихий тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусияти // Магистрантларнинг VI илмий анжумани материаллари. – Самарқанд: СамДУ, 2007. –Б. 73-77.
3. Истроилов Б.Э. Маънавий интеграция – жамият ҳаёти ривожланишининг объектив қонунияти // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2007. - №6. – Б. 10-12.
4. Истроилов Б.Э. Маънавий интеграциялашув жараёнида мафкуравий тарбиянинг роли // Таълим тизимида талаба ёшларнинг ғоявий-мафкуравий тарбияси ва уларнинг уйғунлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамИСИ, 2007. –Б. 147-148.
5. Истроилов Б.Э. Миллий мафкура ва унинг тарихий илдизлари // Миллий ғоя: маънавият ва маърифат: Республика илмий-назарий, амалий-услубий конференция материаллари. – Тошкент: Университет, 2007. 2-китоб. –Б. 253-255.
6. Истроилов Б.Э. Маънавий интеграциялашув – талаба ёшларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик рухида тарбиялаш омили // Талаба ёшларни миллий мафкура ва ватанпарварлик рухида тарбиялашда ижтимоий гуманитар фанларнинг роли: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДАҚИ, 2007. –Б. 128-131.
7. Жўраев Л.Н., Истроилов Б.Э. Жамият тараққиётида иқтисодий маданиятнинг интеграциялашуви // Тарих, фалсафа ва социологиянинг бирлиги: Профессор Бекмурод Нормуродов таваллудининг 70 йиллигига бағишлиб ўтказилган илмий-назарий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДУ, 2007. –Б. 126-128.
8. Истроилов Б.Э. Марказий Осиё халқлари умуммиллий мафкураси ва унинг интеграциялашув жараёнига таъсири //Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

бағишиланган Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ЎзРФА, 2007. –Б. 123-126.

9. Истроилов Б.Э. Маънавий интеграциялашув жараёнининг фалсафий муаммолари // Ҳозирги замон фалсафаси: ҳолати тараққиётининг истиқболлари: Жондор Туленов таваллудининг 80 йиллигига бағишиланган ўтказилган халқаро илмий-назарий конференция материаллари. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2008. –Б.244-246.

10. Истроилов Б.Э. Интеграция: тарихий-фалсафий асослари // «Фалсафа ва ҳуқук» журнали. – Тошкент, 2008. - №3. – Б. 49-50.

11. Истроилов Б.Э. Шарқ цивилизацияси ва интеграция жараёнлари // Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт: Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганлигининг 90 йиллигига бағишиланган илмий конференция материаллари. –Тошкент: Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. II қисм. –Б. 32-34.

12. Истроилов Б.Э. Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда маънавий интеграциялашувнинг роли // Ёшларни акмеологик қараашларини шакллантиришда соғлом турмуш тарзининг ўрни: халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқук институти, 2008. – Б. 35-36.

13. Истроилов Б.Э. Ёшларда янгича дунёқараш шаклланишида интеграциялашув жараёнининг роли // Ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилиш масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2008. –Б. 45-47.

14. Истроилов Б.Э. Маънавий интеграция жараёни юзага келишининг объектив ва субъектив омиллари // Академик Иброҳим Мўминовнинг илмий-фалсафий мероси ва унинг ижтимоий-фалсафий фанлар тараққиётида тутган ўрни: Республика илмий-назарий анжумани. – Самарқанд: СамДУ, 2008. –Б. 147-149.

15. Истроилов Б.Э. Ёшлар тафаккури шаклланишида маънавий интеграциялашувнинг таъсири // Талаба ёшларнинг маънавий-мафкуравий тафаккурини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДАҚИ, 2008. –Б.54-56.

16. Истроилов Б.Э. Ҳозирги даврда маънавий жараёнларнинг глобаллашиш хусусиятлари // Шахс ва жамият фанини ўқитишнинг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎзМУ қошидаги ОПИ, 2008. –Б. 230-232.

17. Истроилов Б.Э. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда маънавий интеграция жараёнининг ўзига хос тенденциялари // СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2008. - №6. – Б. 5-8.

18. Истроилов Б.Э. Ўзбекистоннинг цивилизацион тараққиёти ва маънавий интеграциялаштиришнинг истиқболлари // Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлигини оширишда аграр фанлар ютуқларининг ўрни: Республика

илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамҚХИ, 2009. – Б. 293-295.

19. Истроилов Б.Э., Тўхтаев Х. Глобаллашув жараёнида ёшларимиз онгига қилинаётган маънавий-мафкуравий хуружлар // Талаба ёшларни маънавий баркамоллик руҳида тарбиялашнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд: СамДАҚИ, 2009. – Б. 27-28.
20. Истроилов Б.Э. Глобаллашув шароитида маънавий интеграция жараёнлари // Глобаллашув, модернизация ва толерантлик: муаммолар, ечимлар ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. –Б. 68-70.
21. Ҳошимов Ш., Истроилов Б.Э. Глобаллашув ва мафкуравий сиёсат масалалари // Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: Аллома Омонулла Файзуллаев илмий-назарий ўқишилари материаллари. 2-китоб. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. –Б. 79-80.
22. Истроилов Б.Э. Маънавий интеграция жараёнида глобаллашув масалалари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2010. - №2. – Б. 150-153.
23. Ҳошимов Ш., Истроилов Б.Э., Ҳошимова С. Жамиятда цивилизация тараққиёти ва ижтимоий жараёнлардаги ворислик қонунияти // Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик, акмеологик ва иқтисодий масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 303-304.
24. Ҳошимов Ш., Истроилов Б.Э. Глобаллашув, геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат // Модернизация, инновацион тараққиёт ва толерантлик ривожи истиқболлари: Республика илмий конференция материаллари. 2-китоб. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. –Б. 11-13.

Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Исройлов Бектош Эркиновичнинг 09.00.11 – Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича «Ўзбекистонда маънавий интеграция жараёнининг объектив ва субъектив омиллари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: интеграция, маънавий интеграция, дифференциация, тарихий генезис, объектив зарурият, мотивлар, глобаллашув, халқаро муносабатлар, ташкилий асослар, институционал тизим, маънавий интеграция тенденциялари, ахборотлашган жамият, маънавий хавфсизлик.

Тадқиқот объектлари: маънавий интеграция жараёнининг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини фалсафий жиҳатдан ўрганиш.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистонда маънавий интеграция жараёни шаклланиши ва ривожланишининг илмий-назарий муаммоларини яхлит тарзда фалсафий тадқиқ этиш.

Тадқиқот методлари: сабабият ва ўзаро алоқадорлик, кузатиш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимли функционал ёндашув.

Олинганд натижалар ва уларнинг янгилиги: 1) маънавий интеграциянинг умумий интеграция жараёнига нисбатан мустақил тизимни ташкил этувчи муҳим субстанционал элемент эканлиги; 2) интеграция жараёнини ҳаракатлантирувчи мотивлари ва механизmlарини ривожлантиришнинг фалсафий-методологик асослари очиб берилганлиги; 3) маънавий интеграция жараёнининг шарт-шароитлари, объектив ва субъектив омиллари ва уларнинг ўзаро диалектик бирлиқда амал қилиш механизmlари кўрсатилганлиги; 4) бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида жамиятимизда маънавий интеграция жараёнининг ўзига хос тенденциялари, уларнинг ривожланиш истиқболлари илмий жиҳатдан асосланганлиги.

Амалий аҳамияти: диссертацияда ишлаб чиқилган илмий хулоса ва тавсиялардан таълим тизими бўғинлари, сиёсий партиялар, ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий институтлар ўз амалий фаолиятида фойдаланишлари мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иш фаолиятида, олий таълимда ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлардаги маъруза матнлари, ўқув дастурлари тайёрлашда фойдаланиб келинмоқда.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: диссертация натижаларидан ўқитувчилар, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида маънавият дарслари, маданиятшунослик фанлари бўйича ўқув-услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Истроилова Бектоша Эркиновича на тему: «Объективные и субъективные факторы процесса духовной интеграции в Узбекистане» на соискание ученой степени кандидата философских наук по специальности
09. 00.11 – Социальная философия

Ключевые слова: интеграция, духовная интеграция, дифференциация, исторический генезес, объективная необходимость, мотивы, глобализация, международные отношения, организационные основы, институциональная система, тенденции духовной интеграции, информационное общества, духовная безопасность.

Объекты исследования: философское познание проблем процесса формирования и развития духовной интеграции.

Цель работы: целостная философское, исследование научно-теоретических процессов формирования и развития духовной интеграции в Узбекистане.

Методы исследования: причинность и взаимосвязь, наблюдение, анализ и синтез, историзм и логичность, системно-функциональный подход.

Полученные результаты и их новизна: 1) что духовная интеграция как самостоятельная система общего интеграционного процесса, является его важнейшим субстанциальным его элементом; 2) раскрыты философско-методологические основы развития механизмов и движущих мотивов интеграционного процесса; 3) показаны условия и объективные и субъективные факторы духовно интеграционного процесса, а также механизмы их действия во взаимномialectическом единстве; 4) научно обоснованы своеобразие тенденций духовно-интеграционного процесса и перспективы их развития в период перехода нашего общества к рыночной экономике.

Практическая значимость: полученные нами научные результаты и наши рекомендации могут быть использованы в структуре образования, политическими партиями, хокимиятами, органами самоуправления, а также общественно- философскими и духовно просветительскими институтами.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Результаты исследования использованы членами молодёжного общественного движения «Камолот», сотрудниками средств массовой информации, при написании текстов лекций, читаемых в системе высшего образования, а также при составлении учебных программ.

Область применения: результаты диссертации могут быть использованы при преподавании основ духовности, культурологии и социальной философии в общеобразовательных школах, колледжах, лицеях и в высших учебных заведениях, в качестве учебно-методического пособия.

RESUME

Thesis of Isroilov Bektosh Erkinovich on the scientific degree competition of the candidate of sciences in philosophy on speciality 09. 00. 11 – social philosophy subject: “The objective and subjective factors process of spiritual integration in Uzbekistan”

Key words: integration, spiritual integration, differentiation, historical genesis, objective necessity, motives, globalization, international consideration, basis of organization, institutional structures, tendency of spiritual integration, informational community, spiritual safety.

Objects of research: the philosophical studying of problems of process formation and spiritual integration development.

Purpose of work: the philosophical studying of problems of process formation and spiritual integration development in Uzbekistan in general scientific-theoretical plan.

Methods of research: causality and correlation, observation, analysis and synthesis, historicism and logicality, structural functional approach.

The results obtained and their novelty: 1) spiritual integration as imdependent system and obligatory sub-tensional element of general integration process; 2) exposed the philosophic-methodological development of mechanisms and moving motives in integration processes; 3) introduced the conditions and objective and subjective factors of spiritual integration and mechanisms of their mutual dialectical unity; 4) originality in tendency of spiritual integration in the period of transition the society to a market economy, perspectives and their development and scientific valid.

Practical value: the results of investigation can be used in structure education, by political parties, guidance and organizations of self-management, by non state organizations, socio-philosophical and spiritual educational institutions.

Degree of embed and economic effektivity: the results of investigation have been implemented into the practice by social movement “Kamolot”, by the contributors of mass media, at lectures and seminars on socio-humanitarian subjects and educational programs.

Field of application: the results of investigation can be used by the teachers of colleges, lyceums and at higher educational institutions, on cultural subject as educational methodical handbook.